

Қуръон илоҳий мўъжиза



11:00 / 20.06.2022 3186

Британиялик арабшунос ва Ислом олими, машҳур тилшунос, араб тили тадқиқотчиси, Лондон, кейин Оксфорд университети профессори, 1955-1964 йилларда эса Гарвард университетининг арабшунослик профессори Ҳамилтон Александр Роскин Гибб айтади:

«Макка аҳли ундан мўъжиза кўрсатишни талаб қилган вақтда, Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам муносиб жасорат ва иймон кучи билан ўзининг илоҳий вазифасини исботлаш учун Қуръон матнига мурожаат қилди. Ўша пайтлари барча араблар сингари Маккаликларнинг ҳам

шеърияти ва сўз устамонлиги жуда юқори турган. Агар Маккаликлар даъво қилганидек Қуръон Ҳудонинг ваҳийси бўлмаса ва фақат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзи ўйлаб топган бўлганида, у ҳолда у билан бемалол нотикликда ва Қуръондек оятлар яратишда рақобатлашган бўлишар эди. Уларнинг ҳар бири ҳеч бўлмаса ўн оят ёзсин. Агар ёзолмасалар (ва, албатта, ёза олмасалар), Қуръонни очиқ-ойдин илоҳий оят, Парвардигор томонидан нозил қилинган мўъжиза деб билсинлар».

Профессори Ҳамилтон Александр Роскин Гибб